

**ISSN**INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER

ISSN 2181-371X

# INNOVATIONS IN TECHNOLOGY AND SCIENCE EDUCATION

## SCIENTIFIC JOURNAL



- Exact Sciences
- Natural Sciences
- Technical Sciences
- Pedagogical Sciences
- Social Sciences
- Philosophical Sciences
- Philology
- Economics

IN VOLUME #2  
ISSUE #8  
MARCH 2023



[WWW.HUMO SCIENCE.COM](http://WWW.HUMO SCIENCE.COM)

**SJIF 2023: 5.305**

ISSN  
2181-371X

SJIF 2023: 5.305

VOLUME 2 ISSUE 8

INNOVATIONS IN TECHNOLOGY AND SCIENCE EDUCATION



# INNOVATIONS IN TECHNOLOGY AND SCIENCE EDUCATION

(MARCH)  
2023

VOLUME 2  
ISSUE 8

ISSN  
2171-381X

SJIF 2023  
5.305



## ГИЛАМБОФЛИК ТАЪРИХИГА БИР НАЗАР

Болтаев А.Х.

Бухоро давлат университети Археология ва Бухоро  
тариҳи кафедраси доцент, т.ф.ф.д.(PhD)

[azam.boltaev.2015@mail.ru](mailto:azam.boltaev.2015@mail.ru)

Одилов Жаҳонгир Амон ўғли

Бухоро давлат университети Этнография йўналиши  
2 босқич магистранти

**Аннотация:** Мазкур мақолада гиламлар тарихи унинг яратилиши ҳақидаги маълумотлар ўз ичига олинган. Жаҳон гиламбофлиги бешта мактаб асосида ташкил этилганлиги ва улар ичида Бухоро мактабининг алоҳида ўрин олганлиги ҳақидаги маълумотлар ўрин эганлаган. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи гиламбофлик музейининг Бухорода очилиши бунга мисол бўла олади.

**Калит сўзлар:** Гилам, кигиз, колорид, пазириқ, хўржин, халта, жойнамоз, қозиқ, Форс-Эрон мактаби, Бухоро мактаби, Кавказ мактаби, Хинду-Хитой мактаби, Европа мактаби.

**Аннотация:** В этой статье содержит информацию история ковров и его создании. Информация о том, что мировое ковроткачество было организовано на базе пяти школ, и среди них бухарская школа занимала особое место. Примером этого может служить открытие первого в Узбекистане музея ковра в Бухаре.

**Ключевые слова:** Ковёр, войлок, колорид, Пазирик, хургин, рюкзак, джойнамоз, ворс, Персидско-Иранская школа, Бухарская школа, Кавказская школа, Индо-Китайская школа, европейская школа.

**Abstract:** This article contains information about the history of carpets and its creation. Information that the world carpet weaving was organized on the basis of five

schools, and among them the Bukhara school occupied a special place. An example of this is the opening of the first carpet museum in Uzbekistan in Bukhara.

**Key words:** Carpet, felt, colorid, Pazirik, khurgin, backpack, joynamaz, pile, Persian-Iranian school, Bukhara school, Caucasian school, Indo-Chinese school, European school.

**Кириш.** Ўрта Осиё гиламлари халқ ижодиётининг ажойиб ёдгорлиги ва моддий маданиятни ўрганиш учун энг катта манба ҳисобланади. Гилам маҳсулотлари билан танишганингизда, бу санъатнинг қўп асрлик тарихи борлигини тушунишингиз мумкин. Ўрта Осиёдаги гиламлар авлодларимизнинг қўп асрлик меҳнати ва бадиий ижоди самарасидир

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг охирига оид тарихий манбаларда Бобил, Оссурия, Форс, Кавказда гилам ишлаб чиқариш ривожланганлиги, гилам маҳсулотлари ҳатто Миср, Рим ва Византияга экспорт қилинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Кўп йиллар давомида маҳсус адабиётларда қозиқли гиламларнинг келиб чиқиши масаласи муҳокама қилинган. Бу шуни кўрсатадики, гилам тўқиши санъати турли халқлар орасида мустақил равишда турлича ривожланган ва буни олинган маълумотлар тасдиқлайди. Шунингдек, қозиқли гиламларнинг безакларидағи кескин фарқлар ва турли хил техникалари бунга мисол бўлади.

**Муҳокама.** Ўрта Осиё халқлари орасида гилам санъати пайдо бўлишининг аниқ вақти аниқланмаган, бу масалани ўрганишда иккита манбадан фойдаланиш мумкин, булар тарихий адабиётлар ва археологик тадқиқот маълумотлари дидир.

Нақшларнинг табиати ва ижро техникаси бўйича барча гиламлар уч гурухга бўлиш мумкин: қозиқ, тукларсиз ва кигиз гиламларга [5. 296-298.].

Кўп йиллик илмий изланишлар жараёнида, шунга амин бўлдикким, жаҳон гиламбофлиги, асосан бешта мактаб негизида шаклланган. Булар: Форс - Эрон

мактаби, Бухоро мактаби, Кавказ мактаби, Ҳинду-Хитой ва Европа мактаблари дидир [4. 42-44.].

1924-1950-йилларда рус археологи В.В. Радлов бошчилигидаги экспедиция тоғли Олтойдаги Урсула дарёси ҳавзасида, қатор археологик қазиши маңында, бир нечта қадимги скифлар қабрларини очишиди. Бу қабрлардан бир қатор қымматли ашёлар қатори, гилам ва гиламбофликка оид 11 та нодир буюмлар топилган ва бу ҳозиргача турли баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Ана шу баҳслар кўпинча, бешинчи Пазариқ қўргонидан топилган, тарихда “Пазариқ гилами” номини олган, 183x200 см ҳажмдаги суратли гилам устида кечмоқда. Хитой олимларидан тортиб, кавказ мутахассисларигача бу гиламни “ўзлариники” эканлигига турли илмий асосларини келтиришдан чарчашмаяптилар. Агар кавказлик олимлар келтирган илмий асосларга суюнадиган бўлсак, гиламбофликда Кавказ мактабининг тарихи жуда узок, яъни 2600 йилга teng. Аммо С.И. Руденко, М.Зариф сингари олимларнинг илмий асосларига суюниб иш кўрсак, Кавказ мактаби XII-XIII асрларда шаклланган дейишига ҳақлимиз. М. Зарифнинг холосасига кўра, узок йиллар форс ва турк ҳоқонлари ўртасида талош бўлиб юрган бу қадимий ўлка XIII асрнинг биринчи ярмида келиб Темурийлар сулоласи тасарруфига ўтгач бу ерларда XVасрнинг бошларигача, нисбаттан осойишталик ҳукм сурди ва бу тинчлик мамлакатда қатор соҳалар ривожига туртки бўлди. Айнан мана шу 200 йиллик тинчлик, мамлакат ҳукмдорларининг эътибори натижасида гиламбофликда Кавказ мактаби шаклланган[6. 40-41.].

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир мактабнинг ўз колориди, тўқилиш услуги, рангларни тайёрлаш ва ишлатиш техникаси, нақшлар уйғунлиги борки, бунда бир мактаб бошқа мактаблардан шуниси билан фарқ қиласи. “Пазариқ гилами”даги нақш - отлар ва буғиларнинг тасвирлаш услуги Кавказ мактабига жуда яқин. Айнан шуни асос қилиб олган Н. Амиқханъян, Р.Илульянов, К. Эрдман

сингари мутахассислар гиламбофликада дастлаб Кавказ мактаби пайдо бўлган деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Гиламбофликада Ҳинд ва Хитой мактабининг негизи бир бўлганлиги учун бу мактабни Ҳинду-Хитой мактаби деб юритилади. Бу мактаб ўзининг шаклланиш даврига қараб юқоридаги мактаблардан кейинги ўринда туради. Бугунги кунда жаҳон бозорида бу ерларга тўқилаётган гиламлар ўзининг сифати, бадиий қиммати билан эмас, балки арzonлиги билан харидорлар эътиборига тушмоқда. Аммо тарихга назар солсак 1526-1858 йиллар оралиғида Ҳиндистонда Бобурийлар империяси ҳукмдорлиги даврида, Хитойда 1279-1644-йиллар Юань ва Мин династияси ҳукмдорлиги вақтида, кейинчалик XVIII-XIX асрларда Цинь сулоласи ҳукмронлиги даврида бу мактаб ўзининг гиламбофликдаги юксак чўққиларига эришган. Бу мактабнинг шаклланишида, Бобурнинг тўнғич ўғли Ҳумоюннинг хизмати бекиёс бўлган.

Тарихдан маълумки, 1544 йил подшо Ҳумоюн душманларининг таъқибига учраб маълум муддат форс ҳукмдори шоҳ Тахманс саройида яшаган. Низолар бартараф этилгач, Ҳиндистонга қайтиш чоғида шоҳдан унга бир неча гилам тўқувчи усталардан бериб юборишини сўрайди. Тахманс ҳам дўстини илтимосини ерда қолдирмай Ҳумоюнга бир гурух гилам тўқувчи усталарни беради. Шу тариқа Ҳиндистонда илк гиламлар Форс-Эрон мактаби нусхаси сифатида тўқила бошланган. Нисбаттан қисқа давр мобайнида Агра, Лахор ва Фатехпур шаҳарларида кўплаб гилам туқувчи устахоналар пайдо бўлди ва бу шаҳарлар кейинчалик йирик гиламбофлик марказларига айланди. Йиллар ўтиши билан, бу ҳунар турини чуқур ўзлаштирган маҳаллий усталарнинг янги авлоди, гиламларга ҳинд рухи, ҳинд колоридини олиб кирди.

Гиламбофликада Европа мактаби ҳам ўзига хос тарихга эга. Бу борада ҳам икки хил қарап мавжуд. Баъзи олимлар Европада гиламбофликнинг шаклланиш даври XVII асрга тўғри келади десалар, бир гурух олимлар IX асрларда ҳам Европада гиламбофлик бўлган деган фикрни илгари сурадилар. Мехди

Зарифнинг фикрича, XVII асрда Сафавийлар ҳукмдорлиги даврида Эроннинг Европа билан ташқи алоқалари жуда яхши бўлган. Айниқса Полша, Португалия, Испания билан савдо сотиқ ишлари яхши йўлга қўйилган ва яна бир қатор омиллар Европанинг бу давлатларига гиламбофликнинг шаклланишига асос бўлган. 1878 йил Париждаги бутун жаҳон гиламлар кўргазмасида намойиш этилган Поляк кинязи Чарторыскийнинг “Португал гиламлари” шахсий коллексияси таркибидаги гиламлар, улардаги умумий кўринишлар Европа руҳига хос бўлсада (денгиз, қайиқлар, одамларнинг кийимлари) бу гиламлар аслида Европалик зодагонлар учун Эронда тўқилган. Олимнинг юқоридаги кўргазмага дикқатини қаратишининг сабаби шундаки, айнан шу воқиа сабаб, мутахассислар Европа мактабига жиддий эътибор қаратишиди ва бу соҳада айрим тадқиқотларга қўл урилди[2. 125-135.].

Тарихдан маълумки VII-IX асрлар Араб маданияти таъсири қатор Европа давлатларига ҳам дахл қилган. Айрим мутахассислар фикрларига кўра дастлаб Испанияда арабларнинг тақир гиламлари тўқилган ва бу бора-бора Европа мактабини шаклланишига асос бўлган. Даврлар ўтиши билан тўқилиш услуби, рангларда ўзгаришлар содир бўлган. Бу бевосита маҳаллий аҳолининг тўқувчи усталарнинг миллий менталитетига мос ва хос рангларни гиламларга кўчириши билан изоҳланади.

Европа гиламбофлигига бадиийлик, маълум бир воқеъликни жонли ифодаси бош мезон санаалган. Бундай гиламларни XIX асрнинг иккинчи ярмида тўқилган ишларда ҳам учратиш мумкин. Аммо кейинги даврларда тўқилган галамларда бозор эҳтиёжи таъсири сезиларли бўлган. XX аср техника асрининг таъсири натижасида Европа гиламбофлигидаги ўзига хослик деярли инқирозга учради.

Ҳар бир мактабнинг ўз тўқиши услуби, ранги, нақшлари мавжуд. Умумий кўриниш-гиламнинг рангларида аҳамият касб этади. Бухоро гиламларида, қизил ранг биринчи ўринда туради. Гиламбофликда Бухоро колориди, зардуштийлар

даврида шаклланган. Оловни мұқаддас билған уста-хунармандлар унинг рангини гиламларга күчирған. Шунинг учун бўлса керак, Бухоро гиламларини чўғдай қип- қизил дейишади. Халқ ичида бу борада турли афсона ва ривоятлар мавжуд[7. 39-40.]..

Таъриҳдан маълумки, Ислом лашқарлари Бухорога келганида, бу ерлик аҳолини ғайри исломий удумлардан қайтарғанлар. Аммо, ўз эътиқодига мустаҳкам бир неча хунармандлар, яширин бўлсада оловга сифинишда давом этганлар. Бухороча Қизил оёқ гиламлар, илк бора ана шу даврларда туқилган бўлса ажаб эмас. Оловни рангини гиламларга күчирған хунармандлар, уни оёқлари остига тўшаб, қиблага қараб намоз ўқиган бўлиб, аслида гиламдаги оловга сажда қилишган. Бухорода яна юз йилча хунармандлар шу тариқа эски эътиқодларида турганлар.

Бухорода гиламбофлик VI- VII асрларда яхши тараққий этган. Айниқса VIII- асрнинг иккичи ярмида, Бухоронинг қадимги шахристонида, Байт ут-тиroz номли хунармандлар растаси бўлиб унда олтмишдан зиёд хунармандлар фаолият олиб борганлар[3. 25-26].

Бухорода шаклланган мактаб, даврлар ўтиши билан, бир қанча қабилалар томонидан ўзлаштирилган. Натижада VII-XIX асрларга келиб, бу мактабнинг 54-56 та шохобчалари пайдо бўлган. Бу даврларга келиб Митан, Така, Ёвмуд, Найман, Эрсари, Башир, Сарой уруғлари гиламбофликда юксак маҳоратларга эришдилар. Бу қабилаларда тўқилган гиламлар, ўзининг нақшларини мукаммаллиги, тугуларининг кичик ва зичлиги, рангининг табиийлиги каби, қатор сифатлари билан дикқатга сазовор бўлган. Бу уруғлар юксак маҳорат билан тўқиган чўғдай гиламлар, амирлар саройларини, маҳаллий бойлар хонадонларини безаб турган. Кўп ҳолатларда буюртма асосида турли ўлчамдаги нафис гиламлар тўқилган.

XIX асирнинг бошларига келиб, Бухоро гиламларига Европада ҳам жиддий қизиқа бошладилар. Европалик катта - катта савдогарлар, шарқ амалий санъати

мутахассис ва ихлосмандлари, Бухоро бозорларидан гиламлар ва гиламбофликка оид халқ амалий санъати намуналарини сотиб олганлар. Шу тариқа, Бухоро мактабига оид гиламлар секинлик билан бўлсада Ғарб давлатларига ҳам тарқала бошлаган. Натижада, юқорида номлари кўрсатилган қабилаларда гиламбофлик жадал суратларда ривожланган.

Тарихдан маълумки, туронзамин ҳукмдорлари хазиналарида гиламлар олтиндан кейинги қимматли ашё саналган. Шунинг учун, сарой эҳтиёжларидан ташқари ҳам, буюртмалар асосида, хазинани бойитиш мақсадида, турли ўлчам ва нақшлардаги юксак дид билан тўқилган гиламлар харид қилинган. Манбааларга қараганда Бухоронинг сўнгти амири Сайд Олимхон саройида ўн мингдан зиёд қимматбаҳо гиламлар бўлган. Бу гиламлар бутун манғит сулоласи ҳукмдорлари томонидан йиғилган.

XIX асрнинг охири Бухоро гиламбофлиги учун катта инқироз даврининг бошланиши бўлиб, бу инқироз сал кам 100 йил давом этди.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий ҳокимликнинг 1991 йил 18 январдаги №4/1 сонли қарори асосида бир қатор тарихий ёдгорликларда музейлар ташкил этишга киришилди. Шу жумладан Бухородаги Мағоки Аттор масжиди биносида Ўзбекистонда ягона бўлган Гиламлар музейи фаолиятини бошлади. Бу музейни очиш учун Р.В. Алъмеев ва Баҳодир Насимовларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш зарур[1. 48-49.].

Гиламдўзлик кўргазмасида 60 га яқин экспонатлар намойишга кўйилган бўлиб, улар ичида гиламлар, жойнамозлар, хўржинлар, халталар ва гилам тўқиши учун ишлатиладиган анжомлар ўрин олган. Кўргазмадаги энг қадимий экспонат кириш қисмида жайлашган бўлиб, XIX асрда Бухоро гиламбофлик мактабига оидdir. Хўржинларнинг энг қимматлиси Башир уруғлари тўқиган “Елка хўржин” дир. Хўржинлар уй рўзгор буюми бўлиб, турли ўлчамларда тўқилган. Бугунги кунда ҳам “От хўржин”, “Туя хўржин”ларни учратиш мумкин. Улардан асосан бозор-ўчарда фойдаланилган. Гилам-хўржинда Бухоро колориди

Umuman olganda, 1960-1980 yillarda Germaniyada adabiyot va san'atning rivojlanishi uslub va janrlarning xilma-xilligi bilan ajralib turgan. Ikkala Germanyaning birlashuvi masalasi GFR madaniy hayotida ham o‘z aksini topdi.

### Foydalangan adabiyotlar

- 1.Архипов Ю. И., Левый радикализм в литературе ФРГ, в кн.: Идеологическая борьба и современная культура, М., 1972.– С 43.
- 2.Студенческое движение в ФРГ и Западном Берлине (1960-е)  
<https://ru.wikipedia.org/wiki>
- 3.Кольчугина М. Б., ФРГ: образование и экономика, М., 1973. – С 31.
- 4.Всеобщая история искусств, т. 6, кн. 1, М., 1965. – С -59.
- 5.Всеобщая история искусств, т. 6, кн. 1, М., 1965. – С -55.
- 6.Современная западногерманская буржуазная историография. коллектив, М. 1982. – С -25
- 7.Кольчугина М. Б, ФРГ: образование и экономика, М., 1973. – С -48.
- 8.Млечина И. В., Литература и «общество потребления», М., 1975. – С 29.
- 9.Кольчугина М. Б, ФРГ: образование и экономика, М., 1973. – С -43.
- 10.Али Ҳасанов.-Геосиёсат, Озарбайжончадан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси., Тошкент “Tamaddun” -2016. -Б 238.
- 11.Млечина И. В., Литература и «общество потребления», М., 1975. – С 22.
- 12.Архипов Ю. И., Левый радикализм в литературе ФРГ, в кн.: Идеологическая борьба и современная культура, М., 1972.– С 12.
- 13.Patricia Clough: Helmut Kohl. Ein Porträt der Macht. München, dtv 1998 ISBN 3-423-24122-5

Саломова Н.Қ

- 152 О'ZBEK TILI PEDAGOGIK TERMINOLOGIYASINING  
MARKAZIY TERMINLARI SEMANTIKASI XUSUSIDA 1265  
E'tibor Yaxshiyeva Baxtiyorovna
- 153 ЭТНОЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК  
ИЛДИЗЛАРИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ 1277  
Н.Комилова., Ж.Мирзатиллаев
- 154 O'ZARO TA'SIRLASHUVCHI QUDUQLAR DEBITINI TAHLIL 1283  
QILISH.  
Gadyayev Abror Niyazovich, Ganiyeva Dilnora Umirzakovna, Artikboyev  
Xusniddin Baxriddinovich, Anorboyev Sohibjon Abbosovich
- 155 HOW TO ORGANIZE EFFECTIVE INDEPENDENT EDUCATION 1293  
OF STUDENTS  
Yaqubov Odil Mengliyevich
- 156 IOT SHLYUZINI YARATISHDA 1299  
MIKROKONTROLLERLARNING AHAMIYATI  
Otajonova Gulhayo Maqsud qizi, Annazarova Barno Rustamovna
- 157 5G MOBIL QURILMALARI UCHUN MICROSTRIP PANJARALI 1311  
ANTENNA QATORI.  
Xatamova M.K., Matsapayev J.S., Matyokubov O'.K.
- 158 ГИЛАМБОФЛИК ТАЪРИХИГА БИР НАЗАР 1323  
Болтаев А.Ҳ., Одилов Жаҳонгир Амон ўғли
- 159 TIL TA'LIMIDA RAQAMLI TEXNOLOGIY VA SUN'iy 1331  
INTELLEKT VOSITALARIDAN FOYDALANISH  
Maksimkulova Shahista
- 160 MIRZO SIROJIDDIN HAKIMNING JURNALISLIK FAOLIYATI 1343  
Himmatov Ro`zi Sirojiddin o`g`li.
- 161 KVANTITATIV BIRLIKLER TURLI TILLAR KESIMIDA 1349  
KELISHI VA FUNKSIONAL AHAMIYATI  
Jamolova Mahmuda Husenovna, Boltaqulova Gulnoza Farruxovna
- 162 ТЕХНИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ 1359  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ЗДАНИЙ ДЛЯ ПОДДЕРЖАНИЯ И  
РЕГУЛИРОВАНИЯ МИКРОКЛИМАТА В ПОМЕЩЕНИЯХ  
Окилов Азизбек Козимжон угли, Жалилов Машхурбек Исломидин угли
- 163 BINO VA INSHOATLARNING ISSIQLIK ENERGIYASI BILAN 1367  
TA'MINLASHDA ENERGIYA TEJAMKORLIGINI OSHIRISH.  
(Shaharlar misolida)  
Maxkamov Aliakbar Baxodirjon o'g'li, Axmadaliyev Odiljon Muxammadzokir  
o'g'li